

15 нус
16 836

O'z DSt 841:2011

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**ПАХТА ТОЛАСИ, ПАХТА МОМИҒИ,
ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИНИНГ
УЛЮК АРАЛАШГАН ЧИҚИНДИЛАРИ ВА
ПАХТАНИНГ КАЛТА МОМИҒИ АРАЛАШГАН
ЧИҚИНДИЛАРИ**

Ўраб жойлаш, маркалаш, транспортда ташиш ва сақлаш

Расмий нашр

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

**ВОЛОКНО ХЛОПКОВОЕ, ЛИНТ ХЛОПКОВЫЙ,
ОТХОДЫ ХЛОПКОЗАВОДОВ УЛЮКОСОДЕРЖАЩИЕ И
ПУХОСОДЕРЖАЩИЕ**

Упаковка, маркировка, транспортирование и хранение

Издание официальное

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифициатлаштириш агентлиги

Тошкент

ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ
СТАНДАРТЛАШТИРИШ,
МУВОФИҚЛАШТИРИШ
ВА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ
ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**ПАХТА ТОЛАСИ, ПАХТА МОМИҒИ,
ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИНИНГ
УЛЮК АРАЛАШГАН ЧИҚИНДИЛАРИ ВА
ПАХТАНИНГ ҚАЛТА МОМИҒИ АРАЛАШГАН
ЧИҚИНДИЛАРИ**

Ўраб жойлаш, маркалаш, транспортда ташиш ва сақлаш

Расмий нашр

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги

Тошкент



Сўз боши

1 "PAHTASANOAT ILMIY MARKAZI" очик акциядорлик жамияти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаштириш "SIFAT" маркази ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

2 Стандартлаштириш бўйича "Пахта" Техник кўмитаси ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

3 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ("Ўзстандарт" агентлиги) нинг 2011 йил 25.08. № 05 - 227 сонли қарори билан ТАСДИҚЛАНДИ ВА АМАЛГА КИРИТИЛДИ

4 O'z DSt 841:1997 ЎРНИГА

Ушбу стандартни ва унга бўлган ўзгартишларни Ўзбекистон ҳудудида жорий этиш ҳақидаги ахборот "Ўзстандарт" агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичида чоп этилади. Ушбу стандартни қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш ҳақидаги мувофиқ ахборот "Ўзстандарт" агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичида чоп этилади

Ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий чоп этиш мутлак ҳукуки
"Ўзстандарт" агентлигига тегишли

ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT MAZDRATI
BOSHOXONASI

Мундарижа

| | | |
|---|------------------------------------|----|
| 1 | Қўлланиш доираси..... | 1 |
| 2 | Меъёрий хужжатларга ҳаволалар..... | 2 |
| 3 | Атамалар ва таърифлар | 2 |
| 4 | Умумий талаблар | 2 |
| | 4.1 Ўраб жойлаш | 2 |
| | 4.2 Маркалаш..... | 6 |
| | 4.3 Транспортда ташиш..... | 7 |
| | 4.4 Сақлаш..... | 8 |
| | Библиография..... | 10 |



ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**ПАХТА ТОЛАСИ, ПАХТА МОМИҒИ, ПАХТА ТОЗАЛАШ
КОРХОНАЛАРИНИНГ УЛЮК АРАЛАШГАН
ЧИҚИНДИЛАРИ ВА ПАХТАНИНГ КАЛТА МОМИҒИ
АРАЛАШГАН ЧИҚИНДИЛАРИ**


Ўраб жойлаш, маркаләш, транспортда ташиш ва сақлаш

**ВОЛОКНО ХЛОПКОВОЕ, ЛИНТ ХЛОПКОВЫЙ,
ОТХОДЫ ХЛОПКОЗАВОДОВ УЛЮКОСОДЕРЖАЩИЕ
И ПУХОСОДЕРЖАЩИЕ**

Упаковка, маркировка, транспортирование и хранение

**COTTON FIBRE, LINTER, GINNEY WASTES,
CONTAINING ABORTED SEEDS AND FUZZ
Packing, marking, transportation and storage**

Киритилиш санаси 2011 - *01.09.*
Амал қилиш муддати 2016 - *01.09.*



1 Қўлланиш доираси

Ушбу стандарт пахта тозалаш заводларининг толали маҳсулоти пахта толаси, пахта момиғи, улюк аралашган ва пахтанинги калта момиғи аралашган (бундан сўнг – толали) чиқиндиларига тааллуқлидир ва бу маҳсулотни ўраб жойлаш, маркаләш, транспортда ташиш ва сақлашга бўлган талабларини белгилайди.

Стандарт талаблари 4.1.6 ва 4.2.4 дан ташқари мажбурийдир. Мазкур бандлардаги талаблар тавсиявий.

Расмий нашр

2 Меъёрий ҳужжатларга ҳаволалар

Ушбу стандартда куйидаги стандартларга қилинган ҳаволалардан фойдаланилди:

ГОСТ 17308-88 Шпагаты. Технические условия.

O'z DSt 581:2002 Пахтани қайта ишлаш. Атамалар ва таърифлар

O'z DSt 665:2007 Пахта маҳсулоти тойларини ўраш учун қўлланиладиган материаллар. Техникавий шартлар

Изоҳ – Ушбу стандартдан фойдаланиш чоғида жорий йилнинг 1 январигача бўлган ҳолати бўйича тузилган стандартлар (классификаторлар) кўрсаткичлари ҳамда жорий йилда чоп этилган ахборотли кўрсаткичлари бўйича ҳавола қилинаётган стандартларни (ва классификаторларни) Ўзбекистон ҳудудида амал қилиши текширилиши керак. Агарда ҳавола қилинаётган ҳужжат алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, унда ушбу стандартдан фойдаланиш чоғида алмаштирилган (ўзгартирилган) стандартга амал қилиш керак. Агарда ҳавола қилинаётган ҳужжат алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, унга ҳавола қилинган қоида ушбу ҳаволага дахлдор бўлмаган қисмида қўлланилади.

3 Атамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда атамалар O'z DSt 581га мувофиқ қўлланилган.

4 Умумий талаблар


4.1 Ўраб жойлаш

4.1.1 Пахта тозалаш заводларининг толали маҳсулотини жойлаб ўраш кучи 4000 дан 5000 гача kN, ҳамда 6300 kN бўлган гидравлик пресслаш ускуналарида амалга оширилади.

4.1.2 Толали маҳсулотни ўралган тойининг умумий кўриниши 1-расмга мос келиши керак.

4.1.3 Тойнинг брутто массаси, преснинг кучи ва прессланаётган материалга қараб, 1-жадвалнинг сонли қийматларига мос келиши керак.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 O'zbekiston Respublikasi
 STANDARTI AGENTLIGI
 O'zbekiston Respublikasi
 STANDARTLASHTIRISH,
 MUYOFIQLASHTIRISH
 VA DAVLAT KAZRATI
 BUSHANMASI



1 – ўровчи белбоғ; 2 – бириктирувчи қисм (қулф)
1-расм

1-жадвал

| Пресснинг кучи, kN | Тойнинг массаси, kg | | |
|---|---------------------------|--------------|---------------------------------------|
| | пахта толасиники, намлиги | | пахта момиғи ва толали чиқиндиларники |
| | 6 % ва ундан кам | 6 % дан кўп | |
| 6300 | 215^{+25}_{-10} | 235 ± 15 | — |
| 4000 дан 5000 гача | 205^{+20}_{-5} | 215 ± 15 | 225 ± 25 |
| <p>Изоҳлар</p> <p>1 Тойларни тортиш йўл қўйиладиган ҳатолиги $\pm 0,5$ kg гача бўлган механик ёки электрон тарозиларда ўтказилади.</p> <p>2 Тойлар массасини ёзуви ва ҳисоботи тарозиларнинг ҳақиқий кўрсаткичлари бўйича вергулдан кейин биринчи ўнлик белгисига қадар аниқликда амалга оширилади.</p> <p>3 Пахта заводи ҳудудида ёки ундан ташқарида масъул орган ёки харидор вакили томонидан назорат қайта тортишда қўл қўйиладиган тафовут бирга кўшиб юбориладиган ҳужжатлар ва тойда қайд этилган аввалги аниқланган массадан 1,0 kg дан ошмаслиги керак.</p> <p>4 Тойларнинг кўзда тутилган брутто массасининг чекланганлиги фақат ташиш жараёнида инobatга олинади.</p> | | | |

4.1.4 Толали маҳсулот тойининг ўлчамлари 2-жадвалда кўрсатилган қийматларга мос келиши керак.


| Бўйи | | Эни b | | Миллиметрларда Баландлиги h | |
|---------|----------------|---------|----------------|----------------------------------|----------------|
| Номинал | Чекли оғиши | Номинал | Чекли оғиши | Номинал | Чекли оғиши |
| 960 | ± 5 | 595 | ± 5 | 780 | + 80 |

Изоҳ – Тойнинг эни бўйича ўлчами боғловчи белбоғнинг бириктирувчи қисмларини бўртиб туришларини ҳисобга олмаган ҳолда кўрсатилган.

4.1.5 Пахта толасининг тойлари ҳар томонидан, ўлчамлари ва техник талаблари O'z DSt 665 га мос келувчи, ўров материаллари тўплами билан жойлаб ўралиши керак.


Ўров материаллари тўплами 2-расм бўйича беш қисмдан иборат:

- тойнинг икки бош томони сиртларини қопловчи иккита "бош қоплама" дан;
- тойнинг битта қавариқ ва икки ён сиртларини қопловчи "шол" дан;
- тойнинг иккинчи қавариқ сиртини қопловчи "ёстик" дан;
- ишлаб чиқаришда чиқарилаётган тойдан намуна танлаб олинган жойни ёпиш учун "ямок".



1 - бош қоплама; 2 - шол; 3 - ёстик; 4 - ямок
2-расм

4.1.6 Прессда боғланган тойни юмшоқ контейнер билан жойлаб ўраб бош томони сиртидаги клапанни тикишга руҳсат этилади.



4.1.7 Пахта момиги ва толали чикиндилар тойларини бош томонлари сиртини қопламасдан жойлаб ўралади.

4.1.8 Ҳорижий давлатларга жўнатишга мўлжалланган пахта момиги ва толали чикиндилар тойлари 4.1.5 га мувофиқ жойлаб ўралиши керак.

4.1.9 Бош томонлар сиртларидаги "бош қопламалар" "шол" ва "ёстик" [1] бўйича милклари бирлаштирилиб, ГОСТ 17308 бўйича чизиқли зичлиги 0,8 ktex бўлган вискоза шпагати ёки узилиш кучи 137 N (14 kgf) дан кам бўлмаган, тикилган чокнинг мустаҳкамлигини таъминловчи бошқа вискоза иплари билан тикиб чиқилади.

Капрон, полипропилен иплари, ёки бошқа синтетик ипларни қўлланилиши ман этилади.

4.1.10 Қавиқларнинг узунлиги 50 mm дан ошмаслиги керак.

Чокнинг охири тикаётган ипнинг тугунчаси билан маҳкамланиши керак.

4.1.11 Пахта толасининг тойлари қалинлиги 0,7 дан 0,8 mm гача, кенлиги 19 mm бўлган бириктирувчи узелининг(қулфининг) узилиш кучи 16186,5 N дан кам бўлмаган юқори мустаҳкамликка эга бўлган пўлат тасмалар билан, ёки [2] бўйича юқори мустаҳкам пўлатдан ишланган симли белбоғлар, ёки узилиш кучи 1200 kgf дан кам бўлмаган полимер материаллардан тайёрланган белбоғлар билан боғланади.

Бириктирувчи узелининг(қулфининг) узилиш кучи 9319,5 N дан кам бўлмаган бошқа боғловчи материаллар ишлатилишига рухсат этилади.

4.1.12 Пахта толаси тойида ўрнатиладиган белбоғлар сони:

- юқори мустаҳкамликка эга бўлган пўлат тасмалардан тайёрланганда – 8 донани;

- юқори мустаҳкам пўлатдан ишланган симли белбоғлардан тайёрланганда – 10 донани;

- полимер материалларидан тайёрланган белбоғлар – камида 8 донани;

- полимер материалларидан тайёрланган тасмаларнинг учи пайвандлаш усулида бириктирилганда – 10 донани ташкил қилади.

Изоҳлар

1 Тойларни полиэстер тасмалар билан боғлашда коррозияга қарши қопламаси бўлган ва диаметри 2,5 mm сим белбоғларни оғирлиги кам тушадиган тойни икки четдаги белбоғ ўрнига ишлатишга рухсат этилади.

2 Ортиш ва тушириш ишлари бажарилиши жараёнида пахта толаси тойларини текис томонларида белбоғларни шикастланишидан сақлаш мақсадида, эни 25 mm ва чуқурлиги 3 mm дан кам бўлмаган, тойларни боғлашда ишлатиладиган белбоғларни жойлаштириш учун чуқурлик, қилишга рухсат этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РИВОЖЛАШТИРИШ
 СТАНДАРТИЗАЦИЯ, МУВОФИҚЛАШТИРИШ
 ВА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ
 UZBEKSTAN

4.1.13 Пахта момиғи ва толали чиқиндилар тойлари [2] бўйича юқори мустаҳкам пўлатдан ишланган симли белбоғлар, ёки полимер материалларидан тайёрланган белбоғлар билан боғланади.

4.1.14 Пахта момиғи тойида ёки толали чиқиндилар тойида ўрнатиладиган белбоғлар сони:

- юқори мустаҳкам пўлатдан ишланган симли белбоғлар - 8 дона;

- полимер материалларидан тайёрланган белбоғлар - 8 дона.

4.1.15 Белбоғларнинг бириктирувчи жойлари (кулфлар) I-расмга мувофиқ, тойнинг қавариқ сиртларидан бирида жойлашиши керак.

Изоҳ – Белбоғларнинг кулфлари тойнинг қовурғалари устида жойлашишига рухсат этилмайди.

4.1.16 Кулфнинг узилиш кучи қўлланиладиган боғловчи материалнинг (белбоғнинг) меъёрий талабларига мос келиши керак.

4.1.17 Устки пресс-плиталарга ўрнатилган махсус пичокли қурилма ёрдамида тойдан пахта толасининг намунаси танлаб олингандан кейин, ўров матоси кесиб олинган жойга толани чиқиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида бир парча ўров матосини қоплаш ва тикиш керак.

Пахта толасини сифатини назорат қилиш мақсадида, қўл усулда намуна танлаб олинганда, унда тойнинг қавариқ томонидан ўров матосини кесиб намуна олингандан кейин кесилган матони ўша кесилган жойга сифатли қилиб тикилиши керак.

4.2 Маркалаш

4.2.1 Ҳар бир тойни маркалаш қавариқ томонларидан бирининг сиртидаги ўров матосига ёки "бош қоплама" га [3] бўйича № 2415-11 сонли бўёк билан:

- ишлаб чиқарувчи коди;

- тўда тартиб рақами;

- тойнинг тартиб рақами;

- брутто массаси,килограммларда,кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

4.2.2 Ўров матосига белги трафарет усулида қўйилиб, аниқ ва ёрқин кўринишни таъминлаши, ҳамда қуйидаги шрифт ўлчамларига эга бўлиши керак, mm да:

баландлиги - 50;

эни - 30;

шрифт йўғонлиги - 8.

Маркалаш ўров матоси фонида яққол ажралиб туриши керак.

Буюртмачи билан келишилган ҳолда ўраш учун қўйилиши мумкин.

материални маркаланинг бошқа вариантларини босишга рухсат этилади.

4.2.3 Жут-каноп толали ўров матосининг маркалани жойининг остига ўлчамлари (400×500) mm бўлган қаттиқ ўров қоғози қўйилади.

Тойлар тойлаш учун бахяланган матолардан тўқилган ўров материали тўплами билан ўралган ҳолда ўров матоси остига қоғоз қўйилмайди.

4.2.4 Мажбурий тойма-той сертификатлашдан ўтказиладиган пахта толаси тойлари учун 4.2.1 бўйича тойни маркалани ўрнига:

- худуд коди;
- пахта заводининг коди;
- той рақами кўрсатилган картон штрих-код ёрлиғи ишлатилишига йўл қўйилади.

Маълумот

- давлат коди;
- ишлаб чиқарувчи коди;
- пахта маҳсулотини коди билан тўлдирилиши мумкин.

Тойнинг брутто массасини маркалани 4.2.1 бўйича амалга оширилади. Маркаланадиган ёрлиқ тойга юшоқ сим ёки бошқа материал ёрдамида бириктирилади ва белбоғ тагига жойланади. Ёрлиқни мустаҳкам бириктирилишини таъминлайдиган бошқа усулга ҳам йўл қўйилади.

4.3 Транспортда ташиш

4.3.1 Пахта маҳсулотларининг тойлари ёпиқ транспорт воситаларида мазкур транспорт воситалари тури учун тегишли бўлган қоидаларга риоя қилган ҳолда ташилади.

Темир йўл транспорти билан ташишда толали маҳсулотнинг ҳар бир тўдаси алоҳида вагонга юкланади.

Вагонга бир неча толали маҳсулот тўдалари (аммо учдан кўп бўлмаган) ортилиши мумкин, агар улар бир селекция ва саноат навларига мансуб бўлсалар, лекин ҳар бир тўда сифати бўйича алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

Талабгор билан келишилган ҳолда вагон ўша селекция ва саноат навига мансуб учдан ортиқ толали маҳсулот тўдалари билан кўшимча

STANDARTLASHTIRISH
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI 7
841841/2011

юкланишига рухсат этилади. Қўшимча юкланган тўда сифати хақида алоҳида хужжат билан расмийлаштирилади.

4.3.2 Пахта маҳсулотларини ташиш учун қўлланиладиган транспорт воситалари ишга яроқли, ёнғин хавфсизлигини таъминловчи, тоза, қуруқ бўлиши керак.

Пахта маҳсулотларининг тойларини ифлосланишига, ўров материалларини ва боғловчи белбоғларнинг бутунлигини йўқотишга, ҳамда атмосфера ёнғинлари тушишига йўл қўйювчи транспорт воситаларидан фойдаланишга рухсат этилмайди.

4.3.3 Тойларни транспорт воситаларига ортаётганда ёки тушираётганда белбоғларнинг узилишига ҳамда "бош коплама" ларнинг йиртилишига йўл қўйилмайди.

Тойлардаги узилган белбоғларини, тойга ишлатилган ўров материалдан қатъий назар, пўлат тасмалар ёки симли белбоғлар билан қайта боғлаб тикланишига рухсат этилади.

4.4 Сақлаш

4.4.1 Пахта маҳсулотлари тойлари ёпиқ омборларда, усти ёпилган махсус майдончаларда ёки бостирма остида сақланиши керак.

Тойларни очик майдончаларда атмосфера ёнғинларидан ва ернинг намлигидан ҳимояланган, тагликлар устига тахланиб ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда сақлашга рухсат этилади.

4.4.2 Тойлар штабел усулида тахланган, баландлиги (ўн каторининг) 6 m дан ошмаган ҳолда сақланади.

4.4.3 Тойларни штабел усулида тахлаш тўдалар бўйича амалга оширилади. Штабеллар орасида юклаш-механизацияси воситаси бемалол юра олиши учун йўлак қолдирилиши керак. Штабелларда тойлар белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрий хужжатларда кўрсатилган техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда тахланган бўлиши керак.

4.4.4 Тойларнинг штабеллари оралиғида механизация воситаси юрганида ва ортиш-тушириш ишларини бажараётганида ўров матоси ва боғловчи белбоғларнинг бутунлигини зарарланишига йўл қўйилмайди.

4.4.5 Толали маҳсулот тойи ўрами ва белбоғининг сақланиши мақсадида уларни баландликдан ташлаш ҳамда думалатиб силжитишга рухсат этилмайди.

STANDARI ASENTLIGI
STANBARILASHTIRISH
MUYBEJLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
TOSKENT

4.4.6 Ўров материаллари билан ўралмаган толали чикиндилар махсус ажратилган жойларда уйилган ҳолда тармоқ бўйича белгиланган тартибда сақланади.

STANDART AGENTLISI
STANDARJLASHTIRISH,
MUYOFIDLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI

Библиография

- | | | |
|-----|---|---|
| [1] | TSh 64-15225383-01:2002 Техникавий шартлар | Пахта ипидан тайёрланган арқонча |
| [2] | TSh 64-15808601-59:2005 Техникавий шартлар | Пахта маҳсулотлари тойларини боғлаш учун юқори мустаҳкам пўлатдан ишланган симли белбоғлар |
| [3] | Технические условия ТУ 29-02-1013-93 | Краска офсетная черная нейтральная |



УЎТ 677.21.004.3:006.354

СУТ 59.060.10

М 69

Муҳим сўзлар: стандарт, толали маҳсулот, той, ўраб жойлаш, маркалаш,
транспортда ташиш, сақлаш

0'ZSTANDARTI AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH.
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZDRATI
BOSHAQAMAQI

"PAHTASANOAT ILMIY MARKAZI"
ОАЖ бош директори




Б.Я. Кушакеев

Бош директорнинг илмий ишлар бўйича
ўринбосари, т.ф.н.




Р.А. Гуляев

Стандартлаштириш ва метрология бўлими
муdiri, СБТ бошлиғи, т.ф.н., кат.,и.,х.



А.А. Ахмедов

Етакчи илмий ходим, т.ф.н.



Ю.Д. Якубова

UZSTANDARI AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAYLAT HAZIRATI
HUSHUKKUNASI

Ўзбекистон "SIFAT" маркази бош
директорининг биринчи муовини, т.ф.д., проф.

Э.Т. Максудов

Ўзбекистон "SIFAT" маркази "Метрология,
ИТИ ва СН" бошқармаси бошлиғи, т.ф.н.


Б.А. Байханов

Ўзбекистон "SIFAT" маркази
стандартлаштириш бўлими бошлиғи

Н.Б. Наумова

Ўзбекистон "SIFAT" маркази
стандартлаштириш бўлими бош мутахассиси

С.А. Иминова



ЎЗБЕКИСТОН Республикаси
STANDARTLASHIRISH,
MUVOFIQLASHIRISH,
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHIDAKI AGENTLISI